

## ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Узоқов Фирдавс Фаррух ўғли

ИИВ Академияси 3-ўқув курси,

318 гуруҳ курсанти.

**Аннотация.** Мақолада, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишда, жиноятларни эрта олдини олиш ва уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик билан боғлиқ фаолиятда хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган ва ижобий жиҳатларига баҳо бериш орқали тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** уюлмаган ёшлар, ҳуқуқбузарлик, жиноят, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, таъсир чораси, ижтимоий ҳимоя, руҳий таъсир, жисмоний зўрлик ишлатиш, ҳимояланиш чоралари.

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ички ишлар органларининг самарали фаолияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида, унинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузини оширишда, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашда, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар органларининг ҳар бир ходими масъулдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш жамият хавфсизлигини таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камайиши фуқароларнинг турмуш сифатини ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис дунёда профилактика тизимини такомиллаштириш бўйича турли ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳар бир давлат ўз миллий қонунчилик ва жамият хусусиятларига таянади. Бироқ кўплаб ривожланган мамлакатлар профилактика чораларини самарали йўлга қўйган бўлиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш ва миллий тизимга мослаштириш муҳимдир. Масалан, жиноятчиликка қарши курашда Сингапурда қатъий қонунлар ва назорат тизими, Германияда ижтимоий дастурлар ва ҳуқуқий тарғибот, АҚШда эса полиция ва жамоатчилик ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жамоатчилик назоратини кучайтириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Шунингдек, жиноятчиликка мойил шахслар билан ишлаш ва профилактика чораларини такомиллаштириш юзасидан халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар жорий этилмоқда.

Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаш-тиришда хорижий тажрибанинг аҳамияти таҳлил қилинади, самарали усуллар ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 13 июль куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида қонунчиликдаги муаммоларни бартараф этиш ишларига урғу бериб, «Илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис ҳузурида қонунчилик муаммоларини ўрганиш институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу институт парламент аъзоларининг буюртмасига асосан ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва хорижий тажриба бўйича таҳлилий маълумотлар ва қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари билан шуғулланиши лозим», деб таъкидлаган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу муаммога доир билдирган кўплаб фикрларини яна бир қатор муҳим сиёсий тадбирларда қилган маърузаларида учратиш мумкин, жумладан “Нима учун Олий Мажлис палаталари раҳбарлари хорижий амалиётни, республикамиздаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур таҳлил қилиш асосида бу борада таклифлар киритмаган?” деб таъкидлаган эди.

Хорижий тажрибадан фойдаланишнинг аҳамиятига келадиган бўлсак, кўплаб ривожланган давлатлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун замонавий технологиялар, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва ҳуқуқ-тартибот органлари ишини такомиллаштириш каби усуллардан фойдаланадилар. Масалан: Сингапур тажрибаси – видеокузатув тизимларидан кенг фойдаланиш, жамоатчиликка ҳуқуқбузарликка қарши курашда фаол иштирок этиш имконияти яратиш;

Германия тажрибаси – аҳолини ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноятчиликка қарши курашда таълим муассасаларининг ролини кучайтириш;

АҚШ тажрибаси – ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан ишлаш, қайта ижтимоийлаштириш дастурлари орқали жиноятлар сонини камайтиришга эътибор қаратилган

Сингапур – қатъий қонунчилик ва жамоат назорати.

Сингапур ҳуқуқбузарликларга нисбатан қаттиққўл сиёсат юритади. Бу давлатда жиноятчилик даражаси жуда паст бўлиб, бу бир неча асосий чора-тадбирлар билан таъминланган:

– Қатъий қонунлар ва жазо тизими – ҳатто майда ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жиддий жазолар мавжуд. Масалан, жамоат жойларини ифлослантириш, беодоблик, сигарет чекиш каби ҳуқуқбузарликлар учун катта жарималар ёки ҳатто қамоқ жазоси белгиланган.

- Кучли видеокузатув тизими - шаҳар бўйлаб жиноятларнинг олдини олиш мақсадида кенг камровли видеокамералар тизими жорий этилган.

- Аҳолини тарбиялаш ва хабардорликни ошириш - мактаблар ва корхоналарда ҳуқуқий тарбия ва масъулият ҳиссини кучайтириш бўйича махсус дастурлар мавжуд.

Германия - ижтимоий дастурлар ва жиноятлар сабабларини камайтириш. Германия ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қатъий жазо эмас, балки ижтимоий сабабларни бартараф этишга эътибор қаратилади.

- Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни камайтириш - махсус дастурлар орқали ёшлар учун иш билан таъминлаш ва таълим имкониятлари кенгайтирилади.

- Жамоатчилик полицияси (Community Policing) - маҳалла ва туманларда полиция ходимлари жамоа билан яқин алоқада бўлиб, профилактика чораларини амалга оширади.

- Ресоциализация дастурлари - кам ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар жамиятга қайта интеграция қилиниши учун махсус реабилитация ва иш билан таъминлаш дастурлари ишлаб чиқилган.

АҚШ - полиция ва жамоат ҳамкорлиги, технологиялардан фойдаланиш АҚШда жиноятчиликнинг олдини олиш полиция ва жамоат ҳамкорлиги ҳамда замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилади.

- "Zero Tolerance" (Нол мурасасизлик) сиёсати - айрим штатларда жиноятга нисбатан қаттиқ жазо ва назорат тизими мавжуд.

- "Community Policing" дастури - полиция маҳаллий аҳоли билан яқин ҳамкорлик қилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокини оширади.

- Смарт технологиялар - юқори аниқликдаги видеокамералар, сунъий интеллект ёрдамида жиноятни башорат қилиш тизимлари, полиция патруль машиналарида реал вақтда маълумотларни қайта ишлаш имконияти мавжуд.

Япония - маданий тарбия ва полиция тизимининг самарали ташкил этилиши.

Япония жиноятчилик даражаси энг паст бўлган мамлакатлардан бири бўлиб, бу қуйидаги чора-тадбирлар билан таъминланади:

-Кобан полиция тизими - ҳар бир маҳаллада кичик полиция шохобчалари (Koban) жойлаштирилган бўлиб, улар аҳоли билан яқин алоқада бўлиб, ҳар қандай ҳуқуқбузарликни тезда бартараф этиш имкониятига эга.

-Маданий кадриятларга асосланган тарбия - жамиятда тартиб-интизом ва бошқаларга нисбатан ҳурмат кучли шаклланган. Бу болаларга мактабданок ўргатилади.

-Очиқ маълумот ва жамоатчилик иштироки - аҳоли ҳуқуқбузарликлар ҳақида тезда хабар бериш имкониятига эга бўлиб, полиция ва жамоатчилик ўртасида ишончли алоқа шаклланган.

Швеция – ижтимоий тенглик ва таълим орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

Швецияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жазо орқали эмас, балки ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосланган.

- Ижтимоий тенглик дастурлари – камбағаллик ва ижтимоий тенгсизлик жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири деб ҳисобланиб, ҳар бир фуқарога сифатли таълим ва тиббий хизмат тақдим этилади.

- Очiq қамоқхоналар тизими – қайта тарбия дастурлари асосида озодликдан маҳрум этилган шахслар жамиятга қайта мослаштирилади.

- Ёшлар учун профилактик дастурлар – мактаблар ва олий таълим муассасаларида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган махсус таълим дастурлари амалга оширилади.

Сингапур бутун дунёда энг хавфсиз давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда жиноятчилик даражаси жуда паст бўлиб, бу қонунчиликнинг қатъийлиги, жамоатчилик назорати ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим орқали таъминланган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ишлари:

Сингапур аҳолиси тартиб-интизомли ва жамиятда ҳурмат билан муомала қилади. Бу таълим тизими ва тарғибот ишлари орқали таъминланган.

Ҳуқуқий таълим ва ахборот ишлари:

Мактаб ва университетларда ҳуқуқий таълим мажбурий – болаларга ёшлигидан қонунларга риоя қилиш муҳимлиги ўргатилади.

Тарғибот кампаниялари – жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг салбий оқибатлари ҳақида жамоатчилик огоҳлантирилади.

Жазонинг қўрқинчли таъсири – Сингапур ҳукумати жиноятларнинг олдини олиш учун қонунбузарликка нисбатан қаттиққўллик намоён қилади.

Кўпчилик тадқиқодчиларнинг таъкидлашига кўра, виктимологик ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ўтган XX асрда Ғарб давлатларида (Германия, Швейцария, Швеция, Италия ва бошқ.) ҳамда АҚШ, Канада ва Японияда фаол равишда ривожланган. Ушбу давлатларда виктимологиянинг нафақат назарий муаммолари, балки амалий жиҳатлари ҳам кенг миқёсда ишлаб чиқилган. Умуман махсус адабиётлар ҳамда чет эл манбаларининг таҳлиliga кўра, Ғарб давлатларида виктимологик профилактика тизимини яққол ривожланиш тенденциясини кўрсатади. Дунё ҳамжамияти ярим асрдан кўпроқ вақт давомида жиноятчининг шахсини ўрганиш билан бир қаторда жиноят қурбони ва унга яратилган муҳитни ҳам батафсил тадқиқ қилмоқдалар.

Хитойда жиноятни олдини олиш тизими нафақат жазо кучи ва унинг муқаррарлигига таяниб қолмай, балки инсонга ҳақиқатдан ҳам уни тўғриланишига имконият берилади. Ушбу концепция “жазо ва шавқат” деган ном олиб, унда бир қатор шароитлар кўзда тутилган, яъни жиноятчи жазодан ва масъулиятдан қутилиши

ёки уни енигилаштириш шулар жумласидан. Хитойнинг турли жиноятчиликни профилактикасига қаратилган давлат сиёсати бу ташвиқотдир. Жумладан, Хитойда жиноят учун жазонинг муқаррарлиги ҳамда ўз айбига иқрорлик билан келиш жазони енигилаштириш имкониятларини беришини тарғиб қилувчи турли рисолалар, плакатлар тарқатилади. Амалиётни кўрсатишича, ҳуқуқбузарларга мафкуравий босим кўрсатиш жиноят даражасини камайишига кучли таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда хорижий тажриба кўрсатадики, самарали профилактика нафақат жазо чораларига, балки жамиятнинг турли қатламларини қамраб олган кенг қамровли ёндашувларга асосланади. Ўзбекистон учун эса қуйидаги чоралар муҳим аҳамият касб этади:

Жамоатчилик ва ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш. Замонавий технологиялар, видеокузатув тизимлари ва маълумотларни таҳлил қилиш тизимларини кенг жорий этиш.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга қаратилган таълим дастурларини кучайтириш.

Жиноятга мойил шахслар билан ишлаш ва уларни жамиятга қайта интеграция қилиш учун самарали дастурларни ривожлантириш.

билан эмас, балки кенг қамровли профилактика чоралари орқали амалга оширилганда самарали натижаларга эришиш мумкин. Юқорида келтирилган мамлакатларда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан одам савдоси оқибатларини олдини олиш билан боғлиқ профилактика ишлари, турли варақа ва босма материалларини ҳар хил тилларда тарқатиш орқали виктимологик мазмунда олиб борилади. Бу ишларга маҳаллий аҳоли фаол жалб қилинади. Ҳуқуқ ҳимоячилари ва турли хил жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлар йўлга қўйилади. Амалга оширилаётган ишларнинг натижаси бўйича полиция органлари томонидан манфаатдор вазирлик ва идораларга вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда ушбу йўналишдаги амалдаги ва келгусидаги дастурлар доирасида мақсадли молиявий маблағлар ажратилишини кўриб чиқиш ҳақида муурожаатлар қилинади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини мувофиқлаштириш учун кўпчилик Европа иттифоқига аъзо давлатларда тегишли (масалан, миллий кенгашлар) органлар ташкил қилинган. Уларнинг асосий функциялари этиб қуйидагилар белгиланган:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастури бўйича маълумот йиғиш, режалаштириш, бажариш, ушбу йўналишда ишловчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, фуқороларнинг иштирокини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик масалалари, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш; жиноятчиликка қарши кураш соҳасида сиёсатни белгиловчи қонунчилик органи билан ҳамкорлик.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилганда хорижда виктимологик профилактикага давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан катта эътибор қаратилади. Виктимологик таъсир тизимининг ташкилий тузилиши, яъни илмий-тадқиқот базаси, норматив-ҳуқуқий асоси, молиялаштириш даражаси ва босқичлари жамият томонидан ижобий қабул қилиниш даражаси яққол кўзга ташланмоқда.

Бизнинг фикримизча ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда хорижий тажриба кўрсатадики, самарали профилактика нафақат жазо чораларига, балки жамиятнинг турли қатламларини қамраб олган кенг қамровли ёндашувларга асосланади. Ўзбекистон учун эса қуйидаги чоралар муҳим аҳамият касб этади: биринчидан, жамоатчилик ва ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, иккинчидан, замонавий технологиялар, видеокузатув тизимлари ва маълумотларни таҳлил қилиш тизимларини кенг жорий этиш, учинчидан ёшлар ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга қаратилган таълим дастурларини кучайтириш, тўртинчидан, жиноятга мойил шахслар билан ишлаш ва уларни жамиятга қайта интеграция қилиш учун самарали дастурларни ривожлантириш.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасида жамоавий иштирок, илмий асосланган стратегиялар ва ижтимоий омилларга эътиборнинг муҳимлигини кўрсатади. АҚШ ва Буюк Британияда иқтисодий самарадорлик, Франция ва Нидерландияда ҳамкорлик, Японияда маҳаллий назорат самарали бўлган. Бу тажрибалардан фойдаланиб, Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада ривожлантириш мумкин, масалан, маҳаллий шартномалар ва ёшлар дастурлари орқали.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.

3. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

4. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.

5. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

6. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
7. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.
8. Tashtemirov A., Po‘latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.
9. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.
10. Таштемиров А. А. и др. Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва ўзига хослиги //Innovative achievements in science 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 37. – С. 82-90.
11. Tashtemirov A., Vaxtiyorov S. Profilaktika inspektorining jinoyat ishlar bo‘yicha sudlar bilan hamkorligining o‘ziga xos xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 38-42.
12. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.
13. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bo‘yicha ishlash faoliyatini huquqiy ta‘minlash //Наука и технология в современном мире. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 59-61.
14. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 42-48.
15. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.